


# ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

\*\*\* № 8 (196) \*\* 2011 YIL, SENTYABR \*\*\*

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MART DAN CHIQA BOSHLAGAN

## МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

Барча олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларидағи каби институттимизда хам "Мустақиллик дарслари"ни ташкил этиш уч босқичда олиб борилмоқда.

Биринчи босқич – "Мустақиллик дарслари"га тайёргарлик кўриш жараёни бўлиб, бакалавриат босқичининг 1-курсида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 22 июлдаги 312-сон бўйргига мувофиқлаштирган холда 12 соат (8 соат маъруза, 4 соат семинар машгулотлари), юкори курсларда эса 4 соат (2 соат маъруза, 2 соат семинар машгулотлари) хажмиде ўтилади. "Мустақиллик дарслари"ни олиб бориш учун юкори малақага эга бўлган, "Мустақиллик дарслари" ўкув дастурдида қайд этилган масалаларни чукур ва атрофлича таҳлил эта оладиган, мавзу мазмунини Ватанимизнинг ўтиши ва хозирги кунидан олинганд оддий, ҳаётӣ мисоллар билан талабалар онги ва қалбига сингдира оладиган, юксак педагогик маҳоратга эга профессор-ўқитувчилар танлаб олинди.

Мустақиллик дарсларини ташкил этиш ва ўтказишнинг иккичи босқичида асосий манба сифатида Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқлари таянилмоқда. Шунингдек, маърузаларда мустақиллик йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конунлари ва Вазирлар Махкамасининг Қарорларидан фойдаланилмоқда.

"Мустақиллик дарслари"ни ташкил этиш ва ўтказишнинг учинчи босқичи биринчи курс талабаларининг дарс материалларини ўзлаштирганлик дара-

жасини, энг асосийси – ёшларнинг мустақиллик туфайли ҳәётимизга бўлган муносабатлари тубдан ўзгариб бораётгани тўғрисидаги ўй ва фикрларини аниклашга қаратилган синов жараёнидир. "Мустақиллик дарслари" тугаллангандан сўнг, ҳар бир талаба мустақилликнинг мазмун-моҳияти, унинг халқимизга яратиб берган имкониятлари, Ватанимизнинг истиқлон учун олиб борган кураши тарихи ва унга эришиши, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмуни ва натижалари, истиқлоннинг ҳар бир инсон тақдирида тутган ўрни, мустақилликни мустаҳкамлашда талабаларнинг шахсий ҳиссаси нималардан иборат бўлиши кераклигини баён этувчи мавзуларда ёзма иш (иншо ёки реферат) тайёрлади. Талабалар ёзма ишнинг мавзусини танлашда, унинг режасини тузишида ўзларининг мустақиллик тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини очиб беришда ўқитувчилардан маслаҳатлар олишлари мумкин.

Ёзма иш ўтиланган дарсларнинг якунни сифатида синов учун асос бўлиб хизмат қиласи ва профессор-ўқитувчилар уларни баҳолашда талаба дарс давомида олган билимларни қай даражада ўзлаштирганлиги, тавсия этилган адабиётлардан қандай фойдаланғанлиги, узининг ҳаётӣ тажрибасига таяниб, улардан қандай хуносалар чиқара олганлигини ҳисобга оладилар ва рейтинг балларини аниқлайдилар. Талабаларнинг энг юкори баҳоланганд иншо ёки рефератлари факультет даражасида ташкил этиладиган илмий-амалий семинарга, институт бўйича ташкил этиладиган талабаларнинг илмий анжуманига тавсия этилади.

### Қадрли юртдошлар!

Истиқлон бизга бўрган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Айни вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган улкан мэрраларимиз қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Мен буни замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора ҳал килувчи кучга айланиб бораётган соғлодм ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман.

Ислом Каримов.

1 Сентябрь



### УШБУ СОНДА:

**2-бет** КИМ ЎЗАРГА КИЙИНМАНГ, ҚИЗЛАР!

ЧЕТ ТИЛИНИ ТЕЗ ВА ОСОН ЎРГАНИШНИНГ 12 ОЛТИН ҚОИДАСИ

• Мунозара учун мавзу талаба баҳо учун ўқимайди...

МЕН ИСТАГАН ИХТИСОС

**4-бет**

Шеърият гулшани

ТАЛАБАЛАРГА ТОПШИРИҚ

ҲИҚМАТЛАР

3-бет

ЗИЛЗИЛА: У ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

ҲИНД ПИЁЗИ

ЁКИ ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ДАВОСИ

ДУНЁ

ХАЛҚЛАРИНИНГ ТҮЙ МАРОСИМЛАРИ

### 2011 ЙИЛГИ РЕСПУБЛИКА ФАН ОЛИМПИАДАСИ 2-БОСҚИЧИДА ФАХРЛИ ЎРИНЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН ИНСТИТУТИМИЗ ТАЛАБАЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

№	Талабанинг исми, отасининг исми	Туғилган сана	Факультети, курси	Илмий раҳбари	Эгалланган ўрни
<b>КИМЕ ФАНИ БУЙИЧА</b>					
1	Имомова Диляфрӯз Улугбек қизи	22.10.1991	Табиатшунослик факультети, 2-курс	F.Даминов, киме фанлари номзоди	1-урин
<b>ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, СПОРТ НАЗАРИЯСИ ФАНИ БУЙИЧА</b>					
2	Аҳмедов Фарруҳ Шавкатович	04.10.1986	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети, 4-курс	Ф.К.Аҳмедов, педагогика фанлари номзоди	2-урин
<b>ФИЗИКА ФАНИ БУЙИЧА</b>					
3	Мамадиёров Маъруф Баҳрамбекович	08.02.1991.	Физика-математика факультети, 1-курс	Ф.Тугалов, ўғитувчи.	2-урин
<b>МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШИЛИГИ ФАНИ БУЙИЧА</b>					
4	Нишонов Хуршид Тоҷибоевич	11.03.1986	Физика-математика факультети, 2-курс	С.Убайдуллаев, техника фанлари номзоди, доцент.	2-урин
<b>НЕМИС ТИЛИ ФАНИ БУЙИЧА</b>					
5	Маъзурова Дилшода Шавкатовна	09.05.1990	Хорижий тиллар факультети, 4-курс	Л. Цой, катта ўғитувчи.	2-урин
<b>ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИ БУЙИЧА</b>					
6	Махкамова Шоҳида Камоловна	20.08.1990	Физика-математика факультети, 1-курс	К.Зойиров, педагогика фанлари номзоди, доцент.	3-урин
<b>ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАНИ БУЙИЧА</b>					
7	Жабборов Баҳром Ильбатирович	05.12.1988	Хорижий тиллар факультети, 4-курс	М.Холбеков, филология фанлари доктори.	3-урин

## • ОДОБ-АХЛОҚ МАВЗУИДА

## КИМ ЎЗАРГА КИЙИНМАНГ, ҚИЗЛАР!

Бугун миллий қадриятларимизни авайлаб асраш йўлида тинимисиз харакатлар қилинаётган бир вақтда баъзи талаба-қизлар ким ўзарга яни мусобақа тарзида "замонавий" кийинишига ошикишмокда. Аёл иффати, шарм-ҳаё деган улуғ шарқору фазилатлар йўқолиб кетмоқда. Бугун баъзи бир қиз жувонлар, аёлларнинг кийиниб юришига караб ёқангни ушлайсан киши. Уларнинг кийимлари шу даражага бориб етмоқдаки, кўнглинг бехузур бўлади.

Уларнинг очик-социқ кийиниб юришлари хеч қайси бир ўзбек йигитида хуш қайфийт уйғотмайди. Ҳакиқий ўзбек йигити орзусидаги қизларни хеч қачон бу кийимларда бўлишини хоҳламайди. Қизларнинг бундай кийинишига сабаб ўзларига одобсиз эътиборни қаратиш эмасми? Лекин ўзбек йигитларнинг орзуси — маликаси ўзида миллийликни, замонавий кўринишларни акс эттирган, атлас, адрасдан тикилган либосларни кийган ўзбек қизидир.

Бундай "замонавий" услубда кийинишининг оммалашишига албатта бир катор сабаблар бор. Булар-ғарб маданияти, атроф ва оиласий мухит яна бизнинг эстрада хонандаларимиздир.

Фарбдан шиддат билан кириб келадиган "оммавий маданият" ўзбек қизига хос бўлмаган кийинишининг энг катта сабабчи сидир. Оммавий ахборот вости-

тлари орқали узатилаётган Голливуд, Европа фильмларидаги актёрлар ва хонандаларнинг кийинишиларига тақлилар ҳам бугун ёшларимизнинг миллий маънавиятимиздан узоқлашибшиларига олиб келмоқда. Лекин ана шу актёр ва хонандаларнинг ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, ҳавас қилишга арзигулик эмас, оиласи бузилган, кўп турмуш курган ёки умуман турмуш курмаган. Тақлид қилишдан олдин уларнинг реал ҳаётини, оиласий холатини билиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз шарқликлар учун оила энг муқаддас тарбия маскани бўлиб келган. Аммо баъзи оила бошлиқларининг фарзанд тарбиясига эътиборсизларни сабабли юкорида таъкидлаб ўтилган иллатнинг оммалашиши учун замин юратилмоқда.

Хўлоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, азиз талаба-қизлар, эътиборсизлик ва тақлид туфайли бундай кийимларни кийманглар. Ўзбек йигитларининг эътибори ҳамиша сизларда, ўзбекимнинг гўзл кизлар. Ҳа, албатта, ўзбекимнинг хунук кизи ўй! Ҳаммаси бир-биридан чиройли ва гўзалдир. Биз сизларни миллий атлас, адрес ва дўппиларда севамиз, ардоқлаймиз, ўзбекимнинг азиз қизлари!

**Шаҳзод ТУРСУНОВ,**  
**Миллий ғоя, маънавият**  
**асослари ва ҳуқуқ таълими**  
**йўналиши 2-босқич**  
**талабаси.**

Талабалик... Кимларнингди орзуси, яна кимларнингди армони.

Талаба... Во ажаб, бу биргина сўз замирида қанчалар сирсиноатлар ётибида. Бу қайси-дир маънода бахт бўлса ва яна қайси-дир маънода ачинарли хол.

Талабалик бўсағасига эндиғина қадам кўйган ёшлар не-не орзуларнинг энг юксак чўккисида парвоз қилишади.

Даставвал янгидан-янги ўқиши режаларни тузуб, кутубхонада ўтириб дарс тайёрлаш, устоzlар билан турли мунозаралар олиб боришига шайланади.

Савол-жавоб ва мунозаралар қилишига ҳаракат қиласи.

Кейинч? Орадан кис-қа вақт ўтгач баъзи талабалар руҳиятида аллақандай сабабларга кўра ўзгариш рўй бериб, дарс қолдиришлар, кутубхонада эмас, кафеларда ўтиришлар, боғлардаги "ёқими" сұхбатларга мойиллик ортади ва ниҳоят сессия даврида домлаларнинг ортидан зир югуриши бошланади. Балл учун талашиб, "ҳақиқат" учун курашади. Охир-оқибат билмас саволларга, чегараси ўйк ҳаёлларга дуч келиб қолганлигини англаб етади.

Уларнинг орзу-умидлари, ўқишига бўлган қизиқиши сув сепилган оловдек ўчади. Институтга киргунча бўлган орзулар биринчи сессиядан сўнг саробга айланади! Камол томпай завол топаётган бундай орзу ва мақсадларга эриша олмаслик хиссининг пайдо бўлишига нималар сабаб бўлмоқда? Бу саволга ким жавоб берishi керак? Ўқитувчим ёки талашиб?

Хўш сизнингча айни кимдан ахтарамиз? Ўкув дастури асосида талаб қилаётган талабчан устоzdаними ёки талабаликнинг юкори ва сўнгги босқичларидаги ўқиб каттагина "Иммунитет" хосил қилган талабаларданми? Сизнингча улардан ибрат олиб имижимида талабалик даврини ўtkазиш керакми? Сиз нимадейсиз?

Аслида ҳар бир одамзод ўз-ўзини англомоги, қилган хатоларини тушуниб етмоғи ва улардан тегиши хулоса чиқариб, хатоларни тузатиши керак эмасми? Хатонинг оқибати жазо бўлишини ҳам яхши биламиз. Ал-

батта бундан оқилона хулоса чиқармогимиз лозим.

Келинг, ўзимиздаги камчиликларни борлигича, ўзлигича қабул килиши ўрганайлик.

Ҳар куни эрталаб ўйдан чиқаётib ўқиши ҳакида ўйлаймиз: бугун дарсларда фаол қатнашиб мавзуни гапираман, 10 минутлик та-наффусни бекор ўтказмасдан мустақил иш топшираман. Дарсдан кейин кутубхонага кириб кўшимча маълумот оламан деган фикрлар ва максад билан чиқа-

талабалар шунчалик лоқайдлик боткоғига ботиб бораётган бўлсак? Бор шижаатимиз, куч-ғайратимизни, иродайимизни нима учун бекорга сарф килаялмиз?

Бир жуфтлик маъруза дарсни сабр билан тинглаб ўтиришига вақт гўё кўплик қиласи, бироқ телефонда соатлаб гаплашиш учун накадар бу жуфтлик озек бўлади. Китобдан бир саҳифа ўқиши нақадар қийинки, ДВД кошида бир соат ўтириш нақадар осон, 80 дақика дарс вақти

биз учун нақадар узок, навбатдаги сериалин томоша қилиш учун нақадар қисқа. Вақт ўтмоқда деймизу, келажак ҳакида қайтурмаймиз. Кўп вақтимиз

эса турли хилдаги "сұхбатлар" даврасида ўтади. Шубҳасиз талабалар орасидаги энг қизғин сұхбатлар бу — уларнинг "севимли" устоzlари ҳақида-дир. Деярли кўпчилик талабалар "севимли" устоzlар ҳақида сўзлашади. Улардан фазилат кидиришади. Аслида "севимли" устозни талабабининг ўзи топмадимикин? Бундай устоз ўз-ўзидан пайдо бўлиб колмайди.

Бизнинг фикримизча буюк зот Мир Алишер бобомизнинг устозига бўлган чексиз хурмати биз учун ибрат бўлмоғи керак.

Айтинг, биз отамизда нұксон кўрамизми? Ўй, албатта. Шундай экан, замонавий талабалар нима учун ҳақиқий устоз топмайди? Бизнингча ҳеч бир устоз талабадан атайлиб нұксон изламайди. Шундай экан, келинг биз ҳам устоzlаримиздан яхши фазилатларни қидирайлик. Ўзимизга юқлатилган масъулиятни хис этайлик. Зероқи, талабани талаба даражасига кўтара олган мана шу устоzlаримиз эканлигини унумайлик. Устоз ҳақида таъриф сўралганда ҳеч иккимасдан уларнинг ижобий томонларни кўрсата олайлик. Токи эртанги кунда ўзимиз ҳам улар каби устоз бўлиб, ўқувчиларимиз назаридан четда қолмайди.

Шерноза

МАМАЮСУПОВА,

Ирода ЗИЁЕВА,

Биология йўналиши,

2-босқич талабалари.

## • СЎЗ — БЎЛАЖАК ДЕФЕКТОЛОГЛАРГА

## МЕН ИСТАГАН ИХТИСОС

Маълумки, дефектология фани алоҳида ёрдамга муҳтоҷ анамал болаларнинг таълимтарбияси билан шуғулланади.

Бугунги кунда таълимтарбия соҳасига катта эътибор каратилиб, айниқса, педагог-кадрлар, айни пайтда дефектолог мутахассислар тайёрлаш бора-сида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, олий ўкув юртларида дефектология факультетлари очилмоқда. Бизнинг институтимизда хам 2007 йилдан бўён Педагогика ва психология йўналишида дефектологлар тайёрланмоқда.

Мен ҳозирги кунда шу йўналишда таҳсил олмоқдаман. Бундан жуда ҳам хурсандман. Келажакда етук мутахассис бўлиб етишиб, алоҳида ёрдамга муҳтоҷ болалар билан коррекцион, комплекцион ва реабилитацион ишларни олиб бориб, уларни ҳам ҳаётда ўз ўрнлари бор эканлигини кўрсатиб, уларда яшашга 'нисбатан қизиқиши ўйғотиб, улар ҳам катта ишларга кодир эканликларини амалда кўрсатиб беришларига кўмаклашмоқчиман.

Педагог-дефектолог касбнинг ўзига хос хусусияти шундан иборат, болаларни ўқитиши ва тарбиялаш жараёни ўқитувчи билан ўқувчининг бирорига бўлган мураккаб ўзаро муносабатига асосланади ва бу муносабатнинг муайян психология, ахлоқий ва ижтимоий конуниятлари бор.

Бизга маълумки буғунги кунда дефектологиянинг: сурдапедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика ва логопедия бўлимлари мавжуддир.

Дефектология фанининг асосий мақсади анамал болаларга инклузив, дифферен-

циал ва интеграциялашган таълимни ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитларни, қулийликларни ўрганиш, улардаги психофизиологик камчиликларни иложи борича бартараф этиш, тузатиши ёки билинмайдиган ҳолга келтириш усулларни ўқитувчи ёки тарбиячиларга ўргатиб боришдан иборатидир.

Айни вақтда Ўзбекистонда

дефектология фани — маҳсус ёрдамга муҳтоҷ жисмоний ёки руҳий камчиликларни бор, эшишида, кўришда, нутқида, ҳаракат-таянч аъзоларида ва бошқа камчиликларни бўлган болаларнинг таълимтарбияси билан шуғулланади.

Ўқитувчи бевосита мoddий

маҳсулот яратиб бермайди, балки болалар шахсини таркиб топтиради. Ўқитувчи-дефектолог ҳам болаларнинг соғлом ўсишлари ва камол топиб бориши, баҳти ҳаёт қечиришлари, мустакил ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишилари учун керак бўлган ҳамма зарурий тадбирларни кўради.

Мен ҳам буғунги кунда устоzlаримизда дефектология фанининг сир-асрорларини ўрганиш бормоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларига бориши, илм ўрганиши ва албатта саёҳат қилишини ҳамма орзу килиши аниқ. Бу орзуларни амалга оширишда эса биринчи навбатда чет тилини билиши зарур. Чет тилини тез ва осон ўрганиш учун мутахассислар кийидаги коидаларга амал қилиши маслаҳат беришмоқда. Сиз ҳам чет тилини ўрганиши мақсад қўрган бўйлсангиз, сизга нотаниш бўлганлари эса камаяди.

1. Аввалинч таърифлай олнинг

4. Хорижий тилдаги фильмларни томоша қилинг, бадий китоблар сизни чарчишиб, ўқиши-

зини кийинлашириб қўяди. Тушунсангиз-тушунмасангиз, китобларни ўқиб, фильмларни кўраверинг. Аста-секин кўника бошлайсиз, вазиятлар орқали сўзлар таржимаси аён бўлади, сизга нотаниш бўлганлари эса

камаяди.

5. Дўст топинг. Ҳамкорингизни билиш даражаси сизни билан тенг бўлиши лозим. У билан шуғуланишдан ташқари одатиги мулоқотда ҳам ўрганаётган тилингизда гаплашинг. Бу биринчидан, нутқни ўстириш, солишириш, ракобат ва натижада тез ва яхши ўрганиш имкониятини беради.

6. Кундалик турмушда ишлатидиган гапларни ўрганаётган тилда ҳаёлан таржима қилиб юринг. Таржима килаолмаган гапларнинг эзиб кўйинг ва луғат ёрдамида чет тилига ўтириш.

7. Аниқ режа тузинг. Бир кунда қанчча вақтни тил ўрганишига сарфламоқчисиз, неча янги сўз ёдламоқчисиз, кайси поғонага кўтарилимоқчисиз олдиндан белгилаб олинг.

8. Ҳар ойда билимингизни

5. Дарснинг таърифлай олнинг

тозигизни кийинлашириб қўяди. Тушунсангиз-тушунмасангиз, китобларни ўқиб, фильмларни кўраверинг. Аста-секин кўника бошлайсиз, вазиятлар орқали сўзлар таржимаси аён бўлади, сизга нотаниш бўлганлари эса

камаяди.

9. Тинглайдиган мусиқаларни қаторидан ўрганаётган тилингизда кўшиқлар жой олсин.

10. Қофозчаларнинг бир то- монига чет тилида, иккинчи томонига ўзбек тилидаги таржимасини ёзиб олинг, чўнта- гингизга солиб кўйинг. Кун бўйи каерда бўйлсангиз ҳам таърифларни топинг.

## • ТАБИАТ ВА ИНСОН

## ЗИЛЗИЛА: У ҚАНДАЙ ПАЙДО БҮЛАДИ?

Зилзила табиатнинг энг халотли ҳодисаларидан бири. Уни олдиндан айтиб бериш мухим амалий, илмий аҳамиятга эга. Бу соҳада кўп мамлакатларда илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Зилзила содир бўлишининг турии сабаблари аникланмоқда. Маълумки, Ер пўстси (литосфера) плиталардан ташкил топган. Иккита литосфера плитаси тўкнашган жойларда тез-тез зилзилалар содир бўлиб туради.

Зилзилалар ва вулканлар тез-тез содир бўладиган минтақалар сейсмик минтақалар хисобланади. Ер юзида 2 та асосий сейсмик минтақа мавжуд: Тинч океани сейсмик минтақаси, Европа – Осиё сейсмик минтақаси.

Мамлакатимиз худудлари Европа – Осиё сейсмик минтақасида жойлашганлиги учун мамлакатимизда зилзилалар содир бўлган.

1902 йилда Андижонда, 1932 йилда Томдубулоқда, 1946 йилда Чотқолда, 1959 йилда

Бурчумлода, 1966 йилда Тошкентда, 1976 йилда Газлида, 1980 йилда Назарбекда содир бўлган зилзилалар юкоридаги фикримизнинг далилидир.

Зилзилалар содир бўлишидан олдин турии хил белгилари юзага келиши аникланган. Масалан; Тошкент зилзиласида унинг ўчиғи устида атмосфера нурланиши кузатилган. У ернинг электр майдони билан боғлиқ эканлиги, булоқ сувлари харакатининг кўтарилиши (тажминан 43 карич), сувнинг (радон, гелей, аргон, уран, фтор) кимёвий таркибининг ўзгариши, айрим газлар мукдорининг ортиши зилзиладан бир неча хафта аввал кузатилган.

Америкалик геофизик Д. Симпсон кўёшдаги доғларнинг сони 150 тага ётса кучли ер силкини бўлишини аниклаган. Ернинг магнит майдонида бўладиган ўзгаришлар, магнит бўронлари вақтида ҳам силкинишлар кўп бўлади.

Ер қимирлашлари ўрганилганда океан сувларидаги сув кўта-


рилиши ва қайтиши режимида ўзгариш бўлганлиги аникланган. Масалан, 2004 йилда Ява оролига дам олишга борган сайёхлар сув кўтарилиши ва қайтишининг режими бузилганини кўриб, бу ҳодиса натижасида зилзила рўй бериши ҳақида барчани огоҳлантириб, тегишли ҳавфсизлик чора-тадбирлар кўрилиши натижасида барча дам оловчи сайёхлар омон қолади.

Япон, Хитой олимлари зилзилаларни олдиндан билишда ҳайвонлардан фойдаланиб келишган. Токио университети ходимларининг баликлар (угор, треска) зилзиладан, илгари сув юзасига кўтарилишини, ҳайвонот боғидаги ҳайвонлар безовталанганини кузатишган.

1948 йилдаги Ашхабод зилзиласи арафасида илонлар, калтакесаклар ўз инларини ташлаб кетганлар, кўйлар гурухларга бўлинниб, яйловда ўтламаганлар.

Юкорида келтирилган фикр ва далилларимиздан кўриниб турибдики, ҳар бир табиат ходисаси (зилзила, вулкан отилиши) бир-бiri билан узвий боғлиқ ҳолда содир бўлар экан.

**Нафиса ХОЛМОНОВА,  
География ва иқтисодий  
билим асослари йўналиши  
2-босқич талабаси.**



ликдан таянч-харакат органларининг касалликлари-радикулит, остеохондроз, артероз, полиартрит ва бўғинларда тузлар йигилишида фойдаланиш мумкин.

Агар хонангизда ҳинд пиёзи ўсаётган бўлса, унинт асосий пиёзидан ўсимликни кўпайтириш учун, ёнидан чиқсан пиёзларидан ва майда баргчаларидан эса дори сифатида фойдаланишингиз мумкин. Ўсимликнинг энди курий бошлаган баргларидан дори сифатида ҳам фойдаланса бўлади, чунки бу даврда биологик фаол моддалар айнан куриётган баргда кўпроқ тўпланади. Ўсимлик эса, қариган баргдан фориғ бўлиб тезда ўса бошлидай. Кесиб олинган барг билан артрит, радикулит, остеохондроз ва бошқа касалликлар даволанади.

Тери касалликларида шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дориларни ишлатиш айни муддаодир. Зоро шифобахш ўсимликлар минтақамида кенг тарқалган, уларнинг таркибида одам танасидаги метаболитлар (химиявий моддалар)га ўхшаш моддалар бўлмагани учун ҳам зарарсизdir.

Биз ушбу мақолада хона ўсимлиги (русча-орнитогалум, брандушка, птицемлечник хвостаты)нинг илмий номи орнитогалим (орнис – куш, гала-сугут деган маънони беради), – парранда сути, ёки ҳинд пиёзи ҳақида маълумотлар берамиз. Бу ўсимлик ҳақида кўплаб материаллар эълон қилинган бўлсада, ҳанузгача унинг аҳамияти ҳақида айтиладиган фикрлар кўп эмас.

Тиббиёт ҳодимлари бу ўсимлик кучли захарли ўсимлик бўлгани учун ундан факат тери юзларини даволаш учун фойдаланадилар. Ўсимликнинг барг ва шарбатларини бўғин, мускул ва невралгияда оғриксизлантириш учун тавсия этадилар.

Ўсимликнинг шифобахшли хусусияти унинг баргининг оғриксизлантириш хусусиятига асосланган. Терининг оғриган кисми барг билан ишқаланса, бир неча минутдан кейин оғрик йўқолиши кузатилади. Бу ўсимликнинг таркибида касалланган жойга кон келишини кучайтирувчи моддалар борлиги тифайли оғрик тез йўқолади.

Шунинг учун ҳам бу ўсим-

кирган яшил рангли пиёзга эга. Ўсимликнинг пиёзи ок-карши қипиқчалар билан қолланган бўлиб у ўзок-20-30 йиллар яшаши мумкин.

Ўсимликнинг агротехникини учнчалик мураккаб эмас. Тувакнинг тагига дарё қуми ёки керамзит тўшалади, устига тупроқ кумиб ва кум аралаш масса ёки магазиндан тайёр аралашма солинади. Ўғит солиши шарт эмас, чунки ўсимликнинг илдизи тез тараққий этиби, озука маҳсулотларини тупроқдан осон ўзлаштириб олади.

Ҳинд пиёзидан дастлаб юздаги холларни, доғларни даволашда кўллаганлар. Унинг юзни тиник килиши кутилмаган тасодиф тифайли маълум бўлган. Қадимги хитой табиблари турли ўсимликларни турли касалликларни даволашда синааб кўргандар: Шу жумладан ҳинд пиёзини ҳам улар синааб кўриб, ўсимлик шираси терини тиник килишини, юздаги доғларни тезда кетказишини кузатадилар. Бу хусусият аёллар учун жуда маъкул бўлади. Шундай килиб, ўсимликнинг косметик хусусияти намоён қилинган.

Фурункулезда (чиқон-касаллиги) ҳосил бўлган ярани дезинфекция килиш учун ва ярани битиши учун ўсимлик баргининг аҳамияти катта. Ҳеч бир препарат бу ўсимликчалик тез таъсир кильмайди. 10 минут давомида яра йиринги ёрилади. Ёрилган яра спирт шимдирилган тампон билан артилиб, у ерга синтомицин эмульзияси суркаб боғланади.

**Шуҳрат АХБУТАЕВ,  
Биология йўналиши  
3-босқич талабаси.**

## • ЁШ БИОЛОГЛАР ТАВСИЯ ЭТАДИ

## АЛКОГОЛИЗМНИНГ АНЪАНАВИЙ КУШАНДАСИ ЧОЙ ҲАҚИДА

Ўрта Осиёда инсонларнинг маданий майший ҳаётида чой ичиш қадимдан одат тусига айланган.

Маълумки, IX-XII асрларда, ўғониши даврида Шаркда чой деярли истебом килинмаган. Шунга қарамасдан тиббиётда чойга алоҳида ётибор қаратилади.

Ал-Оқилийнинг "Маҳзан-ул-адавия" (дорилар дурдонаси) трактатида чойнинг мижодаги роли аникланди. Чой моддаларни суюлтиради, лимфа тугунларини майдалайди, қуюқ массаларни суюлтиради, винодан ҳосил бўлган суюкликини организмдан тозалайди дейилган. Ал-Оқилий фикрича чой заҳарли моддаларнинг кушандаси, антидоти ва у организмга кувват беради, иштаҳани очади, бош оғригини қолдиради. Чой оғизни бемаза хиддардан тозалаб, вино, саримсоқ хидларини йўқотади. Бундан ташқари муаллиф чойнинг баъзибир заарли таъсирини камайтириш мақсадида уни ширинликлар ва сут аралашмаси билан кўзлашади.

Хозирда ҳам аҳоли ўртасида энг яқин дўстларига, қариндошларига "бир пиёла чой ичиб кетинглар" ибораси кўлланилиши бежиз эмас.

Чойни жуда қайноқ ичиш организмга заарар. Бир ҳамкасбимиз меъда ракига чалиниб қолганлигининг сабабини билмасдан қайноқ чойни ичиб кўйганлиги ва уни оғиздан кайтариб ташлаш нокугайт ёланлигини таъкидлаганлиги гувоҳи бўлганмиз.

Жуда қайноқ бўлмаган чойни овқатдан кейин ичилса овқат тез ҳазм бўлиши олимлар таъкидлайдилар.

Чойхўрлик жиҳатидан Ўрта Осиё аҳолиси факат англияликлар билан ракобат килишлари мумкин. Н. Амосов (1978) чойни ширинликлар, мевалар, сабзавотлар билан бирга суткасига 2,5, хотто 3 литргача ичиш мумкинлигини ёзади. Йоглар ҳам чойни ичиш энг яхши фазилат ёланлигини таъкидлашади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Иттифоқ даврида чойхоналарга бориш ва у ерда чойхўрлик килиши бўйруқ билан тақиқлашди, чойхоналарни буздириб ташлашди.

Мустақиллик йилларда қадимги урф-одатларимиз тикланди. Хозир бир маҳаллада, кўчалар ва гузарларда ажойиб чойхоналар нуроний отахонларимиз ва ўшларимиз учун хизмат қилади. У ерда аҳоли дунёдаги хабарлардан, Республикамиздаги янгиликлардан хабардор бўладилар, мухим масалаларини ҳамроҳлари билан ҳал килидилар ва хордик чиқардилар.

Фарона водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси, Бухоро, Самарқанд ва Жizzах шаҳарларини чойхоналарсиз тасаввур килиш кийин.

Яна шу нарсани таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг барча худудларида наҳорги ошда палов билан бирга чой ичиш одат тусига кирган. Бу яхши одат, бироқ байзи кишилар тўйхонада хизматкорга улар чой ичмаслиги ва қайнок сувни чойнакларда келтиришини буюрадилар. Бу аввало мезбоннинг одоблизигини билдиради. Чунки, фақат қайнаган сув ичишга одатланган инсонлар суткада бир марта бир икки пиёла ичишса ҳеч нарса йўқотишмайди ва атрофдагиларни ҳам bezovta килишмайди.

Ҳа, чойхўрлик-маданият, чойхонада ўтириш ва чой ичиш одоби ҳам ўзига хос бўлиб бунга амал қилмоқлик лозим.

**Дилдора ҚЎЧҚОРОВА,**

**Биология фани ўқитувчisi**

**Дилшод АСАДОВ,**

**Биология йўналиши 3-босқич талабаси**



Институт талабалари жамоада ўтказиладиган турли тадбирларда фаол иштирок этиб, қизикарли саҳна кўринишларини намойиш этадилар.

Суратда: мусикий таълим йўналиши талабалари саҳнада.  
Х. Носиров сурати.

## Чиёрикот гулшани

## ОТАМ АЙГАНЛАРИ

Асло ранжима жоним болам!  
Бу дунё азалдан бевафо.  
Бекорга йиглама, фам чекма,  
Дардлар бор унга йўқ ҳеч даво.

Дунёда кўп хасадгўй кимса,  
Пойлар ҳар босган изингни.  
Топажак ахтариб ками-кўст,  
Үйлаб сўзла ҳар бир сўзингни.

Қора нияти кимсалардан,  
Кутмагил ҳеч қачон дийнат.  
Ёнингда дўстим деб юрганинг,  
Килар бир кун сенга хиёнат.

Извогар дўстман деб қаршиングда,  
Эрта-ю кеч қисла жон фидо.  
Фитначи у ишонма асло,  
Бошинга солур кўп жабру-жафо.

Айтаверсам адоси бўлмас,  
Дардлар бисёр менинг кўксимда.  
Бироқ дунё шундок экан деб,  
Болам бундан асло ўксима.

Мағрур бўл, зийрак бўл ҳар вақт,  
Жоҳилларга қимлагин шафқат.  
Илм, заковат бўлсин қуролинг,  
Эзгулик-ла яшагин фақат!

## АДОЛАТ ИЗЛАСАНИ

(Шогирдга)

Аввало танинг соғ, кўнглинг шод бўлсин,  
Келганлардан гиналаринг йўқ бўлсин.  
Талабага берар илминг кўп бўлсин,  
Жиззахим деб жонни фидо қилолсанг?!

Устозга толиб, толибга устозсан,  
Муҳтарам, меҳрибон, мунис онасан,  
Элим деб ўт каби куйиб ёнгайсан,  
Жиззахим деб жонни фидо қилолсанг?!

Талабани эшит, караб раъийга,  
Каефдансиш? Жиззахда одат, сўрама.  
Не фарқ бор отаси ким ё Тўрама,  
Жиззахим деб жонни фидо қилолсанг?!

Ишдан қолма, мудом қилгин харакат,  
Ёлков талабага ҳеч қимла шафқат.  
Иқтидорли сендан топсин шарофат,  
Жиззахим деб жонни фидо қилолсанг?!

ОРТИМ БАЙРАМИНГ  
МУБОРАК

Гўзал Ўзбекистон, азиз ватаним,  
Сени ололмайди ҳеч қандай фаним!  
Бепоён боғларингда улгайди таним,  
Озодлик байробин асрарим тайин.

Мустақил юртимсан, буюк юртимсан,  
Чаманлар боғларга, тўлиқ юртимсан,  
Мухаббату меҳра бўйик юртимсан,  
"Юртим" деган юртбошининг юртисан.

Мустақиллик чечагини ундирган,  
Етимиш йиллик истибодони синдириган,  
Юрт бошига хумо қушин кўндиригансан,  
"Юртим!" деган юртбошининг юртисан.

Севара НИЗОМИДДИНОВА,  
Бошлиғич таълим ва СТИ йўналиши 2-босқич  
талабаси

ЎЗБЕГИМ  
ЎҒЛОНАЛАРИ

Ватанимиз посбони,  
Юрт ишончи қалқони,  
Оиланинг сардори,  
Ўзбеким ўғлонлари.  
Саҳарларда сергакдир,  
Ватан учун керакдир,  
Мардонавор тиргакдир,  
Ўзбеким ўғлонлари.  
Элизмнинг ўғлонлари,  
Бўлинг жасур, пахлавон.  
Шунда олажак ном:  
Ҳақиқий ўзбек ўғлон.  
**Дилобар ШЕРМАТОВА,**  
**Бошлиғич таълим ва СТИ**  
**йўналиши 207-гурух**  
**талабаси**



«Умумий психология» кафедраси мудири Ё.Алимкулов (уртада) ёш ўқитувчилар билан компьютер саводхонлиги бўйича ўзаро сұхбат қилмоқда.  
Т.Турдиев сурати.

## • РАНГИН ДУНЕ

ДУНЕ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ТЎЙ МАРОСИМЛАРИ

Германияда тўй кунига бир-икки кун қолганида келин-куёвнинг яқинлари келиннинг уйи остоносида йиғилиб, чинни ёки сопол идишларни ерга уриб синдиришади. Айтишларича, синик бўлаклар канча кўп бўлса баҳти онлар шунча кўп бўларкан.

Французларнинг тўй маросимини бир жиҳати борки, у фақат шу миллатнинг ўзигагина хосдир. Аввало, тўй совғалари ҳакида гапирадиган бўлсак, улар пул ёки сюрпризни афзал кўришмас экан. Келин-куёв дўйонларни айлаби тўйга қандай совға олишини қоғозга ёзиб рўйхатини ота-онасига топширидан. Келин ва кўёв тузган рўйхатдаги совғаларни қариндошлар харид килиб, тўйдан бир кун аввал уни юборишаркан. Карангки, ёш оиласи турмуш анжомларини таъминлашда барча яқинлари бирдек ёрдам бераркан.

Швецияда тўй маросими ибодатхонада бошланади. Рўйхатдан утилганидан сўнг остоноада келин-куёвнинг боши узра дон сочишади.

Тунисда никоҳ маросими етти кун давом этади. Мана шу етти кун ичидаги етти хил маросим бўлиб ўтади. Шулардан бири келиннинг кўлини хина билан бўяш бўлиб, у ҳам омад рамзи ҳисобланади, ҳам сехр-жодудан асрайди.

Тайландда тўй маросимлари гўзал табиат қучогида, жуда чиройли гуллар билан безатилган кошонада ўтказилади. Эрта тонгдан миллий кўй билан тўй тараффуди бошланниб, келин-куёв ибодатхонага йўл олади. Тўй маросимида иштирок этаётган энг кекса киши деярли гулчамбарлар билан кўмид ташланган келин-куёвнинг кўлига сув теккизади-да уларни "эр-хотин" деб эълон қиласи. Таиландликлар никоҳ тўйларини асосан август ойи (улар учун энг мақбул ой)да ўтказишади.

Қадимги римлик келинлар фатаси остида бир кучоқ гулни ушлаб юришган. Никоҳ маросими ўтказиладиган ибодатхона эшиклирига ипак тасма бойлаб кўйилиб, келин-куёв устидан апельсин гули ва атиргул барглари сочилиган. Италиядаги апельсин гули – баҳт, атиргул эса мухаббат рамзи ҳисобланаби, бу анъана ҳозирга қадар сакланниб колган.

Венгрияда бутун қишлоқ тўй маросимида иштирок этади. Қишлоқ ахли келинни кўёвнинг уйига кузатиб қўйишидади. Венгриялик кўёв келинга танга солинган халтаки совға қиласи, келин эса еттига рўмолчани тақдим этади. Шунингдек, венгриялик келинларнинг тўй куни "танго рақсини" ижро этиши ҳам анъанага айланган.

Норвегияда келин-куёв тўй куни эшик рўпарасига иккита арча экиши неча йиллардан бўён урф бўлиб келмоқда. Келин тўй маросимида ҳар бир меҳмонга бир бўлак пишлок қесиб беради. Меҳмонлар пишлокнинг кесилганига караб келиннинг ақл-фаросати ва уй юмушини эплашига баҳо беришаркан.

Бельгияда йигит қизнинг кўлини сўраб борганида, унинг деразаси тагига қайнин дарахтини экаркан. Қиз турмушга чикишга рози бўлса, йигитни ширилик билан меҳмон қиласи.

Хиндистонда ҳам тўй маросими жуда чиройли ва ўзгача ўтади. Тўй охирида келиннинг акаси келин-куёвнинг устидан гул баргларини сочиши одат, туслига кирган. Бу билан у ёш оиласи ёмонликни қайтарган ҳисобланади.

Никабар оролларида эса агар йигит ўйланмоқчи бўлса қизнинг уйида олти ой ёки бир йил давомида "кулчилик" килиб, нима хизмат ёки чиқмаслигини хал қиласи. Тўй куни келин-куёв ҳар хил гул ва ўсимликлардан тўкилган либосни кийиб, марвариддан гулчамбар тақиб юриши лозим экан.

Жанубий Африка Республикасида ёшлар баҳти бўлиши учун отана уйидан олов олиб келин-куёв уйида ёкиши анъанага айланган.

## ҲИҚМАТЛАР

Одамнинг энг баҳти вақти — бошқаларга эзгулик қилган онларидир.

Килингандан яхшиликнинг офати — яхшилик қилдим, деб мақтаниб юришдир.

Үқиш билан тушуниш бир хил эмас. Тушунмасдан ўқиган киши ўқишдан талаб этилган мақсаддага хизмат этмаган кишидир.

Тентакликнинг энг зарарлиси вақтни зое этишдир.

Эртаси кун қайғуга сабаб бўладиган буғунги шодликнинг маъноси йўқ.

Идишнинг чиройлилигида ҳикмат йўқ, гап-унинг ичидаги нарсасидадир.

Яхшилик кўлингдан келмаса ёмонлик қилишдан сақлан.

Коғозга ёзилиб қолган яхши ном тамом бўлмайдиган умрdir.

## ЕЗ

Ёзинг уч ойи энг иссиқ кун,  
Куйдиради ҳаттоки энг қоронғу тун.  
Дараҳтларга боқаман сассиз, садосиз,  
Баъзан эсар шамол майин садосиз.  
Лек бузар бу сукуннати биргина овоз,  
У ҳам бўлса мусица-майин ҳушовоз.

**Дилобар ШЕРМАТОВА,**  
**Бошлиғич таълим ва СТИ**  
**йўналиши 207-гурух талабаси**

ТАЛАБАЛАРГА  
ТОПШИРИҚ

Газетамизнинг деярли ҳар бир сонида «Табиат ва инсон» руҳни остида иқтидорли талабаларнинг мақолаларини эълон қилиб боромдамиз. Бунда Биология йўналиши талабалари ўзларининг ўқимиши мақолалари билан қатнашиб келмоқдалар.

Хўш, юкоридаги расмда кўриб турганингиз қандай ўсимликлар?

У қаерларда ўсади ва қандай хусусиятларга эга? Шу ҳақда ёзилган мақолаларни газетамизнинг навбатдаги сонларида эълон киламиз.

## ZIYO CHASHMASI

## МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги  
Жиззах давлат педагогика  
институти

Бош мухаррир: Абдулла Қодирий ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар  
тахлил этилмайди ва  
муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят  
нукти назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва  
ахборот бошшармасида 2006 йил 26  
декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга  
олинган.

Босишига топширилган  
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00  
Навбатни: М. Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси,  
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах  
Давлат педагогика институти.

«Zamin Print» МЧЖ босмахонасида оғсет усулида 6000  
нусхада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжой  
кўчаси, 4-йй. Буюртма № 324. Snaki- A-3.